

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ЯНГИЧА ЕНАШУВЛАР

ИЛМИЙ АСБИНИ ЭЗМАЛАРИ



Филолог ва адабиётшунос профессор доктори филология фанлари
доктори

БОКИЖОН ҚОШҚЕВНИНГ

Ўзбекистон Республикаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА
ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР**

ИЛМИЙ ЙИГИН ЁЗМАЛАРИ

*ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР
БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВНИНГ
ЎТМИШ ЁШИГА БАҒИШЛАНАДИ*

Тошкент – 2024

2024 йилнинг 11 март куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида филология фанлари доктори, профессор Боқижон Тўхлиевнинг етмиш ёшга тўлганига бағишлаб «Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишда янгича ёндашувлар» деб аталмиш илмий йиғин ўтказиш белгиланган. Ушбу тўпламда олимнинг илмий ишлари тўғрисида чизгилар, яратган асарларининг сираламаси берилиб, ана шу йиғинга юборилган ёзмалар жамланди.

Китоб билим ўрганаётган ёшлар ва китобсеварлар учундир.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Кенгаши нашрга тавсия этган.

М а с ъ у л м у х а р р и р :

Қудратулла Омонов, филология фанлари доктори, профессор.

Т у з у в ч и л а р :

Рихситилла Алимухамедов, филология фанлари доктори, доцент.

Дилфуза Тўхлиева, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.

Т а қ р и з ч и л а р :

Қосимжон Содиқов, филология фанлари доктори, профессор.

Илёс Исмоилов, филология фанлари доктори (DSc), доцент.

Биз сермахсул олим, меҳрибон мураббий, моҳир педагог, зукко тадқиқотчи, талабчан ва адолатли устоз, жонкуяр раҳбар, самимий дўст – **БОҶИЖОН ТҶҲЛИЕВ**га сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик ва бундан кейинги илмий ҳамда педагогик фаолиятларига бундан-да улкан зафарлар доим йўлдош бўлишига тилакдошмиз. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “**кимёи вужуд**” ила шарафли мавқега эришган бағрикенг ва ҳимматли устоз – Сизнинг хизматларингиз ҳамиша юксак эътирофу эътиборга лойиқ:

Чу ҳиммат эрур кимёи вужуд
Ки, андин топар эътибор аҳли жуд.

Наззора БЕКОВА,
филология фанлари доктори, профессор

ОЛИМ ДЕГАН НОМГА ЛОЙИҚ УСТОЗ

Одам ҳаётнинг турли чорраҳаларида турли инсонлар билан танишиб борар экан. Устоз Боқижон ака билан докторлик диссертациямнинг ҳимояси жараёнида, менга биринчи оппонент сифатида тайинланган кезларда илк бор танишганман. Бу 2015 йилнинг куз фасли эди. Мана сал кам ўн йилдан бери мана шу илмли, самимий, камтарин устозимизни танийман. Бу орада бир неча марта институтимиз магистр битирувчиларининг Давлат аттестация ҳайъати раиси сифатида айнан адабиётшунос ва мумтоз филология битирувчилари Кенгашининг раиси сифатида ҳимоя жараёнларини олиб бордилар. Кўп вақт ўтмай Боқижон ака Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Мумтоз филология кафедрасига ишга ўтганларини эшитдим ва кейинчалик институтимизнинг илмий даражалар берувчи Илмий Кенгашига, сал ўтмай Кенгаш қошидаги Илмий семинар Раиси сифатида, мен эса шу семинар гуруҳининг аъзоси сифатида ишладик ва устоз билан бирга ҳанузгача шу кенгашларда ишлаб келмоқдамиз. Бир институтда, бир кенгашда, бу орада турли илмий лойиҳаларда ишлаш жараёнларида устозни яна ҳам яқиндан танидим ва Боқижон ака бугунги куннинг ҳақиқий, илмли олими, самимий ва камтарин инсон эканликларига ишонч ҳосил қилдим.

Устоз Боқижон ака Тўхлиевнинг “олим” сўзига лойиқ мутахассис эканликларини, тажрибали адабиётшунос эканликларига илк бор докторлик диссертациям ҳимоясида илмий ишим бўйича қилган чиқишларида, менинг ишимга ёзиб берган тақризларида сезганман. Чунки илмий ишим ўрта аср Ҳиндистон адабиёти, хусусан, Бобурийлар даври адабиёти билан, четдан

қараганда Ҳиндистон халқлари адабиётининг тушуниш учун анча мураккаб бўлган бҳакти номли адабий мероси билан боғлиқ эди. Бу адабиётни эса жуда кўп изоҳлар, тушунтиришлар, аниқлик киритишларсиз ҳиндшунос бўлмаган мутахассис тезда тушуна олмайди. Албатта, ишимни шу масалаларни инобатга олган ҳолда ёзганман. Бироқ ҳимоя куни устозимиз Боқижон аканинг чиқишлари шундай ажойиб бўлганки, ишимда ҳаттоки, мен сезмаган ёки бошқа олимлар сезмаган энг нозик ва чиройли қирраларини мендан ҳам яхшироқ очиб берганларига, бҳакти адабиётини, унинг етакчи ғояларини жуда яхши тушуниб етганларига ҳайрон қолганман ва бундан жуда хурсанд бўлганман.

Диссертация ва авторефератимни олиб борганимда уни варақлаб чиқиб, менга маълум бир муддатдан кейин тақриз учун келишимни айтдилар. Ўша муддат ўтганидан кейин тақризни олиш учун келдим. Ишим бўйича устоз ҳеч қандай салбий гап айтмадилар, фақат, “диссертацияни бироз таҳрир қилиш керак”, дедилар. Мен эса таҳрир қилдириб кейин олиб боргандим ва шуни уларга айтдим. Шунда қизиқ бир жавобни айтдилар, “Ия, унда мен ўша одамдан ҳафа бўлдим, майли, унда қолаверсин”, дедилар. Бу ҳам бир маданиятли инсоннинг жавоби эди. Тадқиқотчини ортиқча қийнамаслик, уни ишини битишини кўзлаб айтилган жавоб эди.

Сўзимнинг якунида устознинг бугунги муборак ёшлари билан чин қалбимдан табриклайман. Устозга доим соғ бўлиб, ёшларга илм бериш йўлида чарчамай юришларини ва келажакда ўзларига ўхшаган илмли, камтарин шогирдларни кўплаб етиштиришларини тилаб қоламан.

Улфатхон МУҲИБОВА,
филология фанлари доктори, профессор

АДАБИЁТГА БАХШИДА УМР

2016 йилнинг охири ойларида докторантура (ўша пайтлар бир босқичли эди) муддати тугаб, кафедра, илмий семинар муҳокамаларидан ўтаётганимда кафедрамизда Устоз, филология фанлари доктори, профессор Боқижон ака Тўхлиев ишлаётганларини эшитиб, хурсанд бўлганман. Авваллари мактабда “Адабиёт” дарслигининг олдида яна “Адабиёт хрестоматияси” ҳам бўлар эди. Унда шоиру адибларнинг ҳаёти ва ижоди эмас, балки асарларидан ўрнаклар берилар, уни мен мириқиб ўқирдим. Мазкур китобларда асарларнинг энг қизиқ, ўқувчини ўзига жалб этадиган парчалари келтирилди. Айни “Адабиёт” дарслигининг муаллифи Устоз Боқижон ака Тўхлиевнинг исм-шарифларини ўша пайтлардаёқ билганман, аммо улар билан учрашиш, бир кафедрада ишлаш мана энди насиб этди.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| Умр шукронаси | 3 |
| Биринчи бўлим. Билим кишиларининг кўнгли сўзлари | 3 |
| Мумтоз адабиётимиз жонкуяри (Гулчеҳра РИХСИЕВА) | 10 |
| Илм олишни лаззат ва бахт деб билган олим (Абдухалил МАВРУЛОВ) | 12 |
| Ашраф ул-уламо (Шухрат СИРЖИДДИНОВ) | 16 |
| Забардаст олим, қадимий битиглар ва мумтоз адабиёт билимдони (Абдурахим МАННОНОВ) | 18 |
| Мумтоз адабиётимиз билгаси (Қудратулла ОМОНОВ) | 20 |
| Билиг кимда бўлса, бедуглук алур (Қосимжон СОДИҚОВ) | 22 |
| Заҳматқашликнинг ноёб тимсоли (Насимхон РАҲМОНОВ) | 28 |
| Elm ziyasina бўлэнд алим (Almaz Ўлви ЎИННЭТОВА) | 32 |
| Дилкаш дўст ва баркамол олим (Нусратулло ЖУМАХЎЖА) | 35 |
| Профессор Боқижон Тўхлиев портретига чизгилар (Шомирза ТУРДИМОВ) | 38 |
| Етук олим, кадрдон дўст (Қурдош ҚАҲРАМОНОВ) | 45 |
| Боқижон Тўхлиев феномени (Марғуба МИРҚОСИМОВА) | 47 |
| Адаб ва илм шарофати (Нурбой ЖАББОРОВ) | 50 |
| Улкан эрудитсияли олим (Исламжон ЯКУБОВ) | 54 |
| Боқижон ака адабиётдан сўз очганларида (Мирсалим АБДУЛЛАЕВ) | 59 |
| Камтарин инсоннинг камоли (Шоҳидахон ЮСУПОВА) | 60 |
| Илмга бахшида умр (Роза НИЁЗМЕТОВА) | 63 |
| Билим кимда бўлса, буюклик бўлар (Гулбахор АШУРОВА) | 69 |
| Адаб гулшанида тобланган “Кимёи вужуд” (Наззора БЕКОВА) | 74 |
| Олим деган номга лойиқ устоз (Улфатхон МУҲИБОВА) | 77 |
| Адабиётга бахшида умр (Рихситилла АЛИМУХАМЕДОВ) | 78 |
| Камтарин инсон ва меҳрибон устоз (Ботир ЖАФАРОВ) | 80 |
| Олими боамал (Хайрулла ҲАМИДОВ) | 82 |
| Камтар ва фидойи устоз (Барно АБДУРАҲМОНОВА) | 84 |
| Одамнинг жони (Эргаш ОЧИЛОВ) | 87 |
| Ўзликни англаш саодати (Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ) | 93 |
| Қомусий олим (Минҳожиддин ЖАМОЛИДДИНОВ) | 99 |
| Меҳрибон устоз (Қосимжон СИДИҚОВ) | 102 |
| Жонкуяр устоз, сермахсул олим (Давлатёр ЖУМАШОВ) | 104 |
| Олими олиймақом (Илёс ИСМОИЛОВ) (сўнгсўз ўрнида) | 105 |
| | |
| Иккинчи бўлим. Илмий мақолалар. Адабиётшунослик | 108 |
| Rahmatulla Barakayev. “Mamolardan meros bo‘lib qolgan ertaklar” yoki T.Adashboev ijodida xalq og‘zaki ijodi an‘analari | 108 |
| Адхамбек Алимбеков. Ҳамза Ҳакимзода феномени (Ҳамза бадияти) | 114 |
| Низомиддин Муродий. «Диван лугат-ат-турк» и «Кутадгу билиг»: воплощение влияния персидско-таджикской литературы в восточном Туркестане | 120 |
| Умрзоқ Жуманазаров. Улуғ Алишер Навоий ҳақида дoston | 125 |
| Salimaxon Mirzayeva, Gulsanam Mashrapova. Romanik dostonlar sujeti va safar motivi | 132 |
| N.Bekova, M.Rahmatova. Alisher Navoiy shariatida xazon tasviri | 136 |
| Эргаш Очилов. Боқижон Тўхлиев – навоийшунос | 139 |
| Orzigul Hamroyeva. Risolalarda qofiyali baytlar tasnifi | 149 |
| Ярмухаммат Мадалиев. Шоқан Валихановнинг маърифатпарварлик ва адабий эстетик қарашлари | 155 |

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ИЛМИЙ ЙИГИН ЁЗМАЛАРИ

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР
БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВНИНГ
ЕТМИШ ЁШИГА БАҒИШЛАНАДИ**

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Кенгаши нашрга тавсия этган.

Масъул муҳаррир:

Қудратулла Омонов, филология фанлари доктори, профессор.

Тузувчилар:

Рихситилла Алимухамедов, филология фанлари доктори, доцент.
Дилфуза Тўхлиева, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.

Тақризчилар:

Қосимжон Содиков, филология фанлари доктори, профессор.

Илёс Исмоилов, филология фанлари доктори (DSc), доцент.

Босишга рухсат этилди: 07.03.2024

Бичими 60x84 1/16 Шартли 26,75 б.т.

50 нусхада босилди. Буюртма №

**Тошкент давлат шарқшунослик университетининг
кичик босмахонаси.**

Тошкент, Амир Темур кўчаси, 20 уй.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2024 йил.